





Мезон

# Текширишларни қисқартириш

## тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда

**МУСТАҚИЛЛИК** йилларида мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.



қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, жавобгарликни эркинлаштиришга қадар тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартишларда хусусий сектор фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг барча босқичи, жумладан, хусусий тадбир-

корлик субъектларининг назорат, ҳуқуқ-тартибот ҳамда бошқа давлат органлари билан муносабатлари сингаги муҳим жараёнлар қамраб олинган. Айрим мансабдор шахсларнинг турли баҳоналари рўқча қилиб, тадбиркорлик қонунининг равишида овоза қилиш, тирноқ остидан кир қидириши бизнесни ривожлантиришга тўсиқ ҳисобланади. Қонунда ана шундай аралашувларнинг олдини олишга аҳолида эътибор қаратилган. Бу борада жавобгарлик чоралари қучайтирилиб, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида тадбиркорга етказилган зарар тўлиқ қопланиши белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Жиноят кодексига тадбиркорлик фаолиятига тўқсинлик қилиш ва ноқонуний аралашуш ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилувчи алоҳида боб киритилди. Эндиликда кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва преференцияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги Тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзлар ва преференцияларнинг ягона реестрида эълон қилинади ҳамда доимий равишда аниқлаб борилади. Тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган энг катта муаммолардан бири тадбиркорларнинг фаолиятига асосиз аралашувдир. Текширишлар сони йилдан-йилга камай-тирилиб, тадбиркорларнинг фаолиятига аралашувчи ҳоким қисқараётган бўлса, назорат қилувчи органларнинг баъзи ходимлари хануз текширишлар ўтказишда қонунни бузмоқда. Шу йилнинг биринчи қоррагида назорат қилувчи органлар томонидан 99 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ноқонуний текширилган ва бу жараёнда 1200 дан ортиқ ҳолатда тартиб бузилгани аниқланган. Ушбу ҳолатлар юзасидан 36 нафар айбдор шахс жавобгарликка тортиб, назорат қилувчи органларнинг 23 та ноқонуний қарори бекор қилинган. Шунингдек, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 193 та таъсир чораси қўлланган. Эътиборлиси, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмади. Ҳўжалик судларида кўрилатган ишлар ҳажмининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани тадбиркорларнинг ҳўжалик судларига нисбатан ишонч тобора ортаётганидан далолат беради. Статистик маълумотларга қараганда, 1996 йилда ҳўжалик судлари томонидан 11500 дан ортиқ иш кўриб чиқилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2000 йилда — 33000 дан, 2005 йилда — 122000 дан, 2010 йилда — 293000 дан, 2014 йилда — 263000 дан ортиқни ташкил этган. Хулоса ўрнида айтганда, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳимоя қилиши янада қучайтиришга, уларни жадал ривожлантиришга йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги Қонун мамлакатимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ҳамда механизмларини жорий қилиш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ҳамда говларни бартараф этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотда, жумладан, хо-

Адлия аралашгач...

# Шартномадаги шарт бажарилди

**НАВОИЙ ВИЛОЯТ** адлия бошқармаси томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустақамлаш соҳасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунга қарамадан, хусусий корхона томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолда фермер ҳўжалигига топширилган пилла хомашёсининг 1.953.090 сўми 2016 йил 7 январга қадар тўлаб берилмаган.

Мазкур ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан 1.953.000 сўм асосий қарз ва 976.545 сўм пеня ундириш тўғрисида ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди. Натижада суднинг ҳал қилув қарорига асосан фермер ҳўжалиги фойдасига 1.952.700 сўм асосий қарз ва 195.000 сўм пеня ундириш белгиланди.

**Бекзод ЖУМАЕВ,**  
Навоий вилоят  
адлия бошқармаси  
масъул ходими

Масалан, бошқарма томонидан Навбахор туманидаги “Хидирбой ота” фермер ҳўжалиги бошлиғи К.Чўлиевнинг контрактация шартномасига асосан топширилган пилла хомашёси учун тўланиши ложи бўлган пул маблағлари “Ричард силк” хусусий корхонаси томонидан тўлаб берилмаётганини ҳақдаги аризаси ўрганилди. Аниқлашчи, “Хидирбой ота” фермер ҳўжалиги билан “Ричард силк” хусусий корхонаси ўртасида 2013 йил 16 декабрда 1.210 кг. пилла харид қилиш бўйича кон-

трактация шартномаси тузилган. Мазкур контрактация шартномасига асосан фермер ҳўжалиги томонидан “Ричард силк” хусусий корхонасига 5.444.639 сўмлик 841 кг. пилла хомашёси топширилган. Контрактация шартномасининг 4.4-бандида “Тайёрловчи” маҳсулотни қабул қилиб олгандан кейин шартномада белгиланган нарҳлар бўйича ҳўжаликка 60 (олти) миш кундан кечиктирмаган муддатда унинг тўлиқ ҳақи тўлаб берилиши белгиланган.

# Ҳуқуқий маслаҳатхона

— **ОЛТИ** ёшли набирам отасидан қолган меросга меросхўр ҳисобланади. У ҳозир меросни қабул қилиб олиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу ишни қандай тартибда амалга оширсиз бўлади?  
**Э.АЗИМОВА, Шайхонтоҳур тумани**

— Фуқаролик кодексининг 29-моддасига мувофиқ, ўн тўрт ёшга тўлмаган воғда етмаганлар, яъни кичик ёшдаги болалар учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси ёки фарзандликка олувчилари ҳамда васийлари тузиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатга асосан, олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар фақат:

- Майда маиший битимларни;
- Текин манфаат қўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимларни;
- Қонуний вақил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидир.

**Саволга Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Феруза ХИДОЯТОВА** жавоб берди.

— **ТОПИБ** олинган ёки ташлаб кетилган болаларнинг туғилишини қайд этиш қандай тартибда амалга оширилади?

**Бобурмирзо ХУРСАНОВ, Олтинсой туман, Бўстон маҳалласи**

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларининг 27, 28, 29-бандларига асосан:

Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ички ишлар органи, васийлик ва ҳомийлик органлари, бола парвариланаётган муассаса маъмурияти ёки тиббиёт муассасасининг аризасига биноан амалга оширилади. Топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- а) ички ишлар органи ёки васийлик ва ҳомийлик органининг боланинг топиб олинган вақти, жойи ва топиб олинган пайтдаги ҳолати тўғрисидаги далолатномаси;
- б) тиббий муассасанинг топиб олинган ёки ташлаб кетилган боланинг ёши ва жинсини тасдиқловчи маълумотномаси.

Унинг ота-онанининг фамилияси, исми ва миллати тўғрисидаги маълумотлар боланинг туғилиши ҳақидаги далолатнома ёзувида юқорида санаб ўтилган органларнинг кўрсатмалари асосида киритилади. Бундай ҳолда боланинг ва боланинг ота-онаси сифатида кўрсатилган шахсларнинг фамилияси бир хилда ёзилади.

“Белгилар учун” ҳуқуқига “Бола топилган” ёки “Ташлаб кетилган”, деб ёзилади ва ота-онаси ҳақидаги маълумотлар кимнинг кўрсатмасига асосан ёзилганлиги кўрсатилади.

**Саволга Олтинсой туман ФХДЭ бўлими мудириси Нилуфар ТЎРАЕВА** жавоб берди.

### Ижтимоий реклама

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш*  
**Жамоат фонди**

**“Қонунчилиқни мустақамлаш, инсонларда қонунга ҳурматни, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш” мавзuida ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланглигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош Қонун нормалари меъёрларини ҳақидаги билимлар тарғиботига, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш;
2. Жамиятда қонунчилиқни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (олдий фуқаролар, тадбиркорлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, теле- ва радио дастурлар, маълумот ва Интернет тармоғидаги мақолалар) ўтказиш;
3. Худудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари, шахароозлик нормалари, коммунал ва йўл ҳўжалиги, қўшниллар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилинади фактларини жамоатчилик томонидан муҳомама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;
4. Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунтириш мақсадида телевидение, радио, босма нашрлар, Интернет тармоғида махсус руқлар тайёрлаш;
5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, малакалари, кўникмалари ва тайёрлигини шакллантиришга қаратилган мавзуда оид телерадио дастурлар, мақолалар тайёрлаш;
6. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлирига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;
7. Худудий ОАВда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалиёт-

да қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

8. Қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳомама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (таклиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
9. “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижро этилиши борасида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳомадаларини ўтказишга қўмақлашиш;
10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устав (Низом) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

*Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.*

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:**  
**(0-371) 239-26-76, 239-26-84.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш*  
**Жамоат фонди**

**“Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” мавзuida ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланглигини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Асиб келаётган авлодда ота-онани, катталарни ҳурматлаш, кичикларга гамхўрлик қилиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва баргикенглик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;
2. Кека ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида қўнғилдиллар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кекасаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ишларни кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ва жамият қурлиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
4. Ёшларнинг туғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва меъморий обидлар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш;
5. Ўсиб келаётган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқини ривожлантириш, адабий дидни шакллантириш, китобга муҳаббат ва эътиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, қундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадрини очиб бериш;
6. Техник йўналишдаги касб-ҳунарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори малака олишга бўлган интилишни шакллантириш;
7. Ёш авлодини фан ва санъатга қизиқтириш учун зарур шартлар яратиш, ёшларнинг республика ва халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақалардаги иштирокини ўз ичидagi ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;
8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустақамлаш, жисмоний маданият ва спортни омма-лаштириш, ўсиб келаётган авлодни алкогольизм, гийёҳандлик, ахлоқсизлик, паст сифатли “оммавий маданиятнинг” салбий таъсирлари, тахдидларидан асраш;
9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг наслик ва турма касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажриллашнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини ортиқча шашаматлиш ва ҳаддан ортиқ исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини сингдириш;
10. Ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фао-

лиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шартлар яратиш;

11. Иқмонияти чеklangан болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
12. Ёшларда Ватанга чўқур муҳаббат, қуролли қучларимиздан фахрланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва маҳалларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишдаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фаолаштириш;
13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини қучайтириш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) сайтыда жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

*Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант суммаси миқдори — 25 миллион сўмгача.*

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг [www.fundngo.uz](http://www.fundngo.uz) расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

**Маълумот учун телефонлар:**  
**(0-371) 239-26-76, 239-26-84.**

# Сўраган ЭДИНГИЗ...



— МИЛЛИЙ қонунчилигимизда пора олиш ва пора бериш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик қандай белгиланади?  
А.МАШАРИПОВ, Тошкент вилояти

— Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига маъмур мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пусаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Саволга жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман суди судьяси Баҳодир ҚОРАЕВ жавоб берди.

## ЮМОМда Қонун моҳиятига бағишланди

РЕСПУБЛИКА юристлар малакасини ошириш марказида янги тахрирдаги "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг оммага etkazishga бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда адлия органлари ва муассасаларнинг бош бухгалтерлари ҳамда "UzASBO" мажмуаси дастури билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этди.

Қун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Молия вазирлиги ҳамда вазирлик газначилиги, шунингдек, маъмур вазириликнинг ўқув маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Республика товар-хонашў биржаси, Халқ банки бошқаруви маъмул ходимларининг маърузалари тингланди.

(Ўз муҳбиримиз)

## Талаба талқини Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда ўрганиш масалани янада ойдинлаштиради

АМАЛИЁТДАН маълумки, тергов сифати ва самардорлигининг ошишида ҳамда жиноятнинг тезда фош этилишида терговчилар жиноятларга оид ишларни тергов қилиш усули ва услубларини яхши билиши, бундай ишлар юзасидан ўтказиладиган муваффақиятли тергов тажрибаларини пухта ўзлаштирган бўлиши зарур. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида кўпинча жиноят ҳодисаси билан боғлиқ ҳамда муайян жойда содир этилган фактга оид гувоҳларнинг, жабранувчиларнинг, гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг кўрсатувларини текшириш зарурати пайдо бўлади. Бундай ҳолда кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати ўтказилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш фаол ҳаракат билан содир этилган жиноятларни тергов қилишда кенг қўлланилади. Маъмур тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусияти шундаки, кўрсатувлари текшириладиган ва аниқланаётган шахслар олдин берган кўрсатувларини ўзлари кўрсатган муайян жойда қайтардилар. Бу эса, кўрсатувларни ҳақиқий ҳолат билан дарҳол солиштириш имконини беради. Ҳодиса содир бўлган жойда кўрсатувлар иш учун аҳамиятли бўлган ҳодиса бўлган жойга нисбатан ҳодиса иштирокчилари ҳаракатлари ёки бошқа ҳолатларга нисбатан текширилиши мумкин. Ушбу тергов ҳаракатининг натижаси нафақат муайян шахсларнинг кўрсатувларини текшириш ва аниқлаш, балки янги далиллар олиш ҳисобланади. Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати ўтказиш натижасида агар шахс ўз кўрсатувлари билан қандайдир далиллар топишга ёрдам берса, янги далиллар олиши мумкин бўлади. Ушбу тергов ҳаракатида шахс олдин сўроқ қилиниб сўнгра берган кўрсатмаларига аниқлик киритилади ва иш бўйича янги далиллар олинади. Тергов амалиётида кўпинча шахс ўзганини содир этган ижтимоий ҳаётда қилмишини яшириш мақсадида ёки бўлмаса бошқа қандайдир манфаат асосида содир этилган жиноятни айнан шахс ўзи содир этганини айтиб мурожаат қилади. Ушбу шахс жиноят содир этилган жойга кўрсатувларини текшириш мақсадида олиб борилиб, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати ўтказилганида шахс ҳодиса жойида кўрсатувларини аниқ кўрсатиб беролмай, турли чалқашликларга йўл қўяди ва содир

этилган ҳодисани тасвирлаб бера олса-да, у ердаги ҳодиса бўлиши ва ашёвий далиллар қолдирилган жойларни аниқ кўрсата олмайдди. Бунинг натижасида ушбу жиноят айнан ушбу шахс томонидан содир этилмаганлиги маълум бўлади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган нарса буюм ва ҳужжатларни топиш мақсадида ўтказилса-да, текшириш жойида аниқланган ва топилган нарса, буюм ва ҳужжатларни олишни кўзда туتماйди, зеро, бу тергов ҳаракати давомида аниқланган ва топилган нарса, буюм ва ҳужжатларнинг тегишли тайёргарлик ва воситаларсиз олиниши, иш учун аҳамиятга эга бўлган ашёвий далилларнинг номақбул далил сифатида баҳоланганига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, уларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати яқунланганидан сўнг ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказиш билан барча талабларга риоя қилинган ҳолда олиниши мақсадида мувофиқ ҳисобланади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш имкон даражасида криминалистик техника ва илмий-техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши ва қайд қилиниши лозим. Чунки уларнинг қўлланилиши кўрсатмаларни жойида текширишни ташкил этиш ва ўтказиш, жумладан, унинг натижалари мақбуллиги тўғрисида тўлиқ ҳулосага келиш имконини беради.

Сардор ҚУВАТОВ, Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиси

### Қилмиш — қидирмиш

# ДОФ

## ёки ўз касбига хиёнат қилганлар ҳақида

ҲАЁТДА ҳеч қутилмаганда кишининг отни ухлаб тушига қирмайдиган гаройиб воқеалар бўлади. Бунга ҳайрон қолмай ёлқининг бўлмайди. Чунки туппа-тузуқ, эл ҳурматида бўлган, оқу қорани таниган, олий маълумотли, боз устига қонун-қондан яхши биладиган одам жиноят кўчасига кириб қолса.

Уш гап ким ҳақида дерсиз? Каттақўрғонлик врач гинеколог Рухсора Раҳмонова (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) пулга муқассадан кетган аёл чиқиб қолди. У қабулгача келган бемор аёлларни авраб, "ўз хизмат" ҳақини мунтазам олиб қоларди. Айниқса, унга илтимос билан келган ҳар қандай беморга ёрдам қилини чўзишини фақат "хизмати"дан қочмаса бас осмондаги юлдузани ҳам олиб беришни ваъда қиларди.

Яқинда унинг ови бароридан келди. Навбатчилик куни ярим тунда шахси ноаниқ бўлган жувон унинг ҳузурига янги тутилган чақалоқни кўтариб кириб, "опа мен ҳозир дори олиб келаман", деб чиқиб кетиб, қайтиб келмади. Бу эса нафис ҳаққалак отган шифокорга қўл келди. Анчадан буён фарзанд кўрмай армонда юрган, айнан шу туфайли ҳам биринчи турмушдан ажрашиб, иккинчи марта турмуш қўриб ҳам оналик бахтига мушарраф бўлмаган Фарида Рустамова эсига тушиб, унинг қўл телефонига кўнғирок қилади.

— Синглим, охингизни Худо эшитди. Тонг ёришмасдан тез келинг. Ойдақина қиз чақалоқ бор. Тайёргарлигингизни кўриб келинг, — деди.

Фарзандли бўлишни кўлдан буён орзу қилиб юрган Фарида Рустамова опаси Сония ва жияни Соҳиб билан тонгга яқин туғуруқхонага бориб, шифокор Рухсора Раҳмоновага 450 минг сўм "суюнчи" пули бериб чақалоқни сотиб олади.

Фарида болани ўз номига қонуний расмийлаштиришга боши қотиб, яна халоскори Рухсора Раҳмоновага мурожаат қилиб, маслаҳат сўрайди. Энг қизиғи шундаки, пул ва бойлик орттириш учун мудҳиш жиноятга қўл урган шифокор чақалоққа сохта ҳужжат тўғрилиш йўлини ўргатиб, яна бир жиноятга йўл очди.

— Ҳақиқатан ҳам ўз "халоскори"нинг айтганини қилиб Фарида Рустамова чақалоққа сохта ҳужжат тўғрилиб олади. — Бироқ ёлғоннинг миси тез кунда чикди, — дейди Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлими бош терговчиси Набижон Эгамбердиев. Орадан кўп вақт ўтмасдан ички ишлар бўлимига туғуруқхонадаги жиноят ҳақида маълумот тўшди. Бўлган воқеани эса чақалоқни сотиб олган Фарида Рустамованинг опаси Сония ИИБ ходимларига айтиб берди.

Жиноятчилар қилмишига яраша жазо олди. Лекин масаланинг бошқа томони кўнгилни гаш қилади. Олий маълумотли шифокорнинг бу қилмиши унинг ўзи, қолаверса, жамоаси ва оиласи, фарзандларига бир умрлик доғ бўлиб қолмайдими?

Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

### Хурматли юртдошлар!

# "Асака" банк

## 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қўйдаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

### "СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўкҳон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрида!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

### "Асака" банк — сармомиянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

### Эълонлар

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 08.04.2016 йилдаги 104-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "РОУТАХТ" адвокатлар ҳайъати адвокати Ахмадзода Зульфин Абдуллоевга бошқарма томонидан 22.07.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми асосида қонундан у олдани ошмайдиган мuddатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчи қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 апрелдаги 151-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Нуруллоева Маълакат Сайфиевна ўртасида тузилган менаот шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-мuddасига асосан (адвокат томонидан у олдани ошмайдиган мuddатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил эттувчи қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчи қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 30 апрелдаги 152-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "САМАРҚАНД ҚОНУН УСТИВОРИ" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Рауфова Муҳаммад Рауфовнага бошқарма томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 00021-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми 2 ой мuddатда тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 2 майддаги 153-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SIYOB" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Қадиров Раҳмон Худойбердиевич адвокатлик мақоми тўхтатиб турилган 3 ой давомида адвокатлик фаолиятига киришмаганлиги сабабли унинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 00030-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 28 апрелдаги 146-ум-сонли буйруғига асосан Асака туманидаги "КАСБИ" адвокатлик фирмаси адвокати Холматов Саидхон Рустамовичнинг адвокатлик мақоми ҳамда бошқарма томонидан 2015 йил 2 мартда берилган AN №000272-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши суднинг ҳукми қонуний кучга киргувчи қадар олти ойдан ошмаган мuddатда вақтинчалик тўхтатилади.

"ADVOKAT FOZIL SAID" адвокатлик фирмаси адвокати Ибрагимов Азамат Бахадирович маъмур адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги муносабати билан Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 апрелдаги 125-ум-сонли буйруғига асосан унинг адвокатлик мақоми у олдани ошмайдиган мuddатда бошқа адвокатлик тузилмасини ташкил эттувчи қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчи қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Буюр вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 6 майддаги 120-ум-сонли буйруғига асосан "Adolat ahkomi" адвокатлик фирмаси адвокати Ражабова Клара Зариповичнинг адвокатлик фирмаси тасвирини рўйхатдан чиқариш муносабати билан тўхтатиладиган адвокатлик мақоми унинг Қорақўл туманидаги "RAJABOVA KLARA ZARIPOVNA" адвокатлик фирмаси ташкил этиши муносабати билан Буюр вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 3 майддаги 149-ум-сонли буйруғига асосан тикланди.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 3 майддаги 21-А-сонли буйруғига асосан Мирзавул туманидаги "OCHLIK-XOSONAT" адвокатлик фирмаси тўхтатиб давлат реестрдан чиқарилган ҳамда адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 28 июнда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги OZ 000036 рақамли гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилади.

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан "DENOQ-ADOLAT-MASKAN" адвокатлик фирмаси адвокати Эшбириева Наргиза Абдигуловна адвокатлик фаолияти билан бирига олиб бориб бўлмайдиган димий лавозимга тайинланганлиги муносабати билан адлия бошқармасининг 2016 йил 25 апрелдаги 84-ум-сонли буйруғига асосан унинг лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-мuddасига асосан "NIZAM USTUVOR" адвокатлар ҳайъати адвокати Есенбаева Элизабет Жалилбековича вазирлик томонидан 2015 йил 20 январда берилган OY №001179-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 19.04.2016 йилдаги 123-ум-сонли буйруғига асосан тўхтатилади.

Аришга ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.04.2016 йилдаги 108-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HUSHAQDT-NIMOYA" адвокатлик фирмасининг адвокати Хашимов Шерзод Касимовичга бошқарма томонидан 23.02.2011 йилда берилган TN №001374 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 18.11.2014 йилда берилган 3126-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 19.04.2016 йилдаги 113-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "OPIRECTO LETRADO" адвокатлик фирмаси адвокати Юсуф Висола Рўзминшинов вафот этиши сабабли Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 26.05.2009 йилда берилган TS №000306 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилади.

Тошкент шаҳридаги "AVER-LEGAL" адвокатлик фирмаси адвокати Закиров Рустам Шакирович 11.06.2009 йилда берилган TN №000895 сонли лицензиянинг амал қилиши 21.04.2016 йилдаги 117-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан суд ҳукми қонуний кучга киргувчи қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга бинаён уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.